

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**И.С. Очилов, и.ф.н., ТМИ,
Б.Қ. Пўлотов, катта ўқитувчи, ТМИ
Н.А. Абдуллаева, Тошкент молия институти магистранти**

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон иқтисодиётида корпоратив бошқарув тизимини жорий этишдаги айрим масалалар кўриб чиқилиб, уларни хориж мамлакатлари амалиётини ўрганиш ва кадрлар салоҳиятини ошириш асосида ривожлантириш бўйича таклифлар киритилган. Шунингдек, корпоратив маданиятнинг республикаимиз акциядорлик жамиятларидаги ҳолати ва мавжуд муаммоларнинг ечимлари кўриб чиқилган.

Аннотация: В статье рассмотрены некоторые проблемы внедрения корпоративного управления в экономику Узбекистана и внесены предложения по их совершенствованию на основе изучения зарубежной практики и повышения кадрового потенциала. Кроме того, рассмотрены состояние и решение имеющихся проблем корпоративной культуры в акционерных обществах республики.

Annotation: At this article had reviewed some problems of implementation of the corporate governance systems at JSC in Uzbekistan and offered suggestions to improve them by study foreign experiences and increase HR potential. Also conditions and solutions of problems of corporate governance culture at the JSC in our Republic had been reviewed.

Калитли сўзлар: корпоратив бошқарув, меъёрий ҳужжатлар, акциядор, инвестор, акция эмиссияси.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, корпоратив бошқарув тушунчаси кириб кела бошлади ва акциядорлик жамиятларини бошқариш усуллари ҳам тубдан ўзгарди. Ҳозирга келиб, корпоратив бошқарув тизимини самарали ташкил этиш ва уни тузишга таъсир этувчи омилларни бартараф этиш муҳим масалалардан бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 фармони қабул қилинди. Бу фармон асосида акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқарув тизимига ўтказишдан асосий мақсад акциядорлик жамиятлари бошқаруви самарадорлигини ошириш, ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш ва мамлакатимизда бошқарувнинг умумжамоа ишлаш тизимини жорий этиш ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув- “...корпорация мулкдорларининг корпорация капиталини шакллантириш, ундан фойда олиш мақсадида янада самарали фойдаланишга ҳамда олинган даромадларни корпоратив муносабатларнинг барча иштирокчилари ўртасида адолатли тақсимлашга қаратилган стратегик

муҳим қарорларни белгилаш, таърифлаш ва қабул қилишга доимий ва реал таъсирини таъминлашдаги онгли, бевосита иштирокидир”[1].

Масалан, хориж давлатларидан Германия корпоратив бошқарув тизимининг фарқли хусусияти етакчи тижорат банкларининг корпоратив назорат бозорида кенг иштироки ва корпоратив бошқарувда меҳнат жамоаси иштирокининг қонун даражасида мустақамлаб қўйилганлиги ҳисобланади. Германияда акциядорлик капиталининг катта қисмига банklar эгалик қилади, яна бир ҳолат мавжудки, у бошқарувчилар ва бошқа мутахассисларга юқори малака талабларнинг қўйилишидир. Шунинг учун у ерда ўқитиш тизимининг ривожланганлигини кўришимиз мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистоннинг корпоратив бошқарув тизими Германия корпоратив бошқарув тизимига яқинлиги сабабли кадрлар тайёрлашда Германия тажрибаси асосида мутахассислар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида Германия ҳамда бошқа иқтисодий ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасаларини ўрганиб ва уларни жалб этган ҳолда Олий бизнес мактаби негизида Корпоратив бошқарув илмий таълим маркази ташкил этилди.

Корпоратив илмий таълим маркази хўжалик бошқаруви органлари, акциядорлик жамиятлари ва тадбиркорлик субъектлари учун бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил этиш, шунингдек, бизнесни бошқариш ва корпоратив бошқарув соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш билан шуғулланади. Мазкур марказда магистратура ва махсус ўқув курслари ташкил этилган.

Икки йиллик магистратура йўналишида хўжалик бошқаруви органлари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг 40 ёшгача бўлган, олий маълумотли, камида 3 йиллик меҳнат стажига эга раҳбар ва мутахассислари бизнесни бошқариш бўйича ўқитилмоқда. Мазкур ўқув курсларида магистр даражасига ёки дипломга эга директор, менежер ва бошқарувчилар бизнесни бошқариш ва корпоратив бошқарув бўйича қайта тайёрланиб, малакаларини оширмоқдалар. Мамлакатимизда корпоратив бошқарув соҳасини ривожлантириш учун кўпгина меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди, масалан, Корпоратив бошқарув кодекси.

Корпоратив бошқарув кодекси акциядорлик жамиятларининг ҳаққоний ва очиқ бизнес юритиш тарафдори эканлигидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро корпоратив бошқарув принциплари асосида ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Бунда асосий мақсад сифатида акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарали ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватини янгилаш мақсадида акциядорлик жамиятлари ижроия органи, кузатув кенгаши, акциядорлар, меҳнат жамоаси вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида манфаатлар уйғунлигига эришишга қаратилади. Кодекс қоидаларига риоя қилиш мажбурияти тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилишида оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Корпоратив бошқарув кодексидаги маълум талабларга қатъий риоя қилиш тўғрисида хабар белгиланган шакл бўйича мажбурият олувчи шахсларга тақдим

этилиши шарт. Бу кодекс яна бир меъерий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни асосида тузилган. Қонуннинг янги таҳрири 2015 йил 3 июнда тасдиқланган. Ушбу қонуннинг мақсади акциядорлик жамиятларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, шунингдек, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Бу қонун ва кодекс Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини жорий этишда амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлигини ошириш ва халқаро талабларга жавоб берувчи тизимга эришиш мақсадида амалга ошириладиган ишларнинг таянчи ҳисобланади. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш, корпоратив бошқарув тизимини жорий этишда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентнинг қарор ва фармонлари ҳамда бошқа меъерий ҳужжатлар асосида иш юритилади. Шу билан бирга, мавжуд меъерий ҳужжатлар базасини янги замонавий халқаро талаблар ва стандартлар асосида тизимли равишда такомиллаштириб бориш, улардаги турли бўшлиқларни тегишли меъёр ва талаблар билан тўлдириш, янги ҳужжатларни ишлаб чиқиш лозим. Бу йўналишдаги ишларни амалга оширишда акциядорлик жамиятлари, қонун чиқарувчи ва ижро органларининг ўзаро узлуксиз, тизимли ҳамкорлигини ташкил этиш зарур.

Таҳлил ва натижалар

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор долзарб қонун лойиҳалари юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтмоқда. Хусусан, бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасида экспертлар, мутахассислар ҳамда манфаатдор идораларнинг вакиллари иштирокида “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида акциядорлик жамиятлари замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш эвазига юқори иқтисодий натижаларга эришиб келинмоқда.

Корпоратив бошқарув тизимини жорий этишдаги масалалардан яна бири мазкур йўналишдаги кадрлар салоҳияти, яъни уларнинг имижи, дипломатияси халқаро талабларга тўлиқ жавоб бермаслигидир. Бу етишмовчилик республикамиздаги акциядорлик жамиятларининг айримларида корпоратив маданият тушунчасининг тўлиқ жорий этилмаганлигининг натижасида келиб чиқмоқда.

Акциядорлик жамиятларининг корпоратив маданияти ходимларнинг ахлоқ-одоблари таъсирида шаклланади ва ривожланиб боради. Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг 3 та асосий гуруҳи мавжуд:

1. Бозор муҳитида хусусийлаштириш ва хусусийлаштиришдан кейинги жараёнлар натижасида шаклланган акциядорлик жамиятлари.

2. Бозор иқтисодиёти шароитларида вужудга келган ва ривожланган акциядорлик жамиятлари.

3. Табиий монополияга мансуб акциядорлик жамиятлари.

Бу гуруҳларнинг ҳар бирида ушбу бизнеснинг асосий вазифалари таъсири остида ишбилармонлик ахлоқи хусусиятлари шаклланган. Одоб-ахлоқ тушунчаси оилада шаклланади, яъни ота-она, маҳалла берган тарбия, булар ҳаммаси маданиятнинг асоси ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, иш жараёнига ҳам таъсир қилади. Шунинг учун ҳам ҳукумат томонидан ёшлар ва уларнинг маънавий ва маданий жиҳатдан етук бўлишига муҳим эътибор қаратилмоқда.

Корпоратив маданиятнинг умумий ва ҳаммага маъқул бўлган таърифи йўқлигига қарамай, бу тушунча умумқабул қилинган ахлоқий қадриятлар, қонунчилик талабларига амал қилиш, одамларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, атроф-муҳитни асраш билан боғлиқ тамойиллар асосида шаклланади.

Корпоратив бошқарув соҳасини янада ривожлантиришда мазкур йўналишда юқори малака ва билимга эга кадрларни тайёрлаш асосий босқичлардан бири ҳисобланиб, профессионал ва чуқур билимга эга кадрларни тайёрлашдаги яна бир масала сифатида тегишли ўқув материал ва қўлланмаларнинг етишмаслигини келтириш мумкин.


Ўқув муассасаларидаги бакалавр ва магистратура босқичларида корпоратив бошқарув бўйича ўқув жараёнларини янада кенгайтириш, уларни ишлаб чиқариш жараёнлари билан уйғунлаштириш, ўқув қўлланмаларининг сони ва қамровини доимий ошириб бориш ушбу йўналишдаги асосий вазифалардан ҳисобланади.

Корпоратив бошқарувнинг асосий вазифаларидан бири акциядорлик жамиятларининг фаолиятини такомиллаштириш, шаффофлигини таъминлаш ва шунинг натижасида унинг даромадларини оширишдир.

Акциядорлик жамиятларида даромадларини кўпайтириш ва унинг инвесторлар олдида жозибадорлигини янада оширишнинг йўналишларидан бири акциялар эмиссиясидир.

Акциялар эмиссияси деганда эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш тушунилиб, қонунчиликда белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.


Республикамызда мазкур фаолиятни Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси қошидаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази амалга ошириб келмоқда.



1-расм. 2016 йил 9 ой давомида акциялар эмиссиясининг ҳудудлар бўйича таркиби (млрд сўм)

Ушбу марказнинг маълумотларига асосан юқоридаги графикда республикамизда мавжуд акциядорлик жамиятларидаги 2016 йил 9 ой давомида акциялар эмиссиясининг ҳудудлараро таркиби келтирилган. Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич юқори бўлиб, қолган ҳудудларда жуда ҳам паст даражада. Мазкур кўрсаткични ҳудудлар кесимида юқorigа кўтариш бўйича тегишли чоратадбирларни амалга ошириш ва шунингдек, ҳудудлардаги акциядорлик жамиятларининг бошқа кўрсаткичларини корпоратив бошқарувнинг замонавий талабларига мувофиқ кўринишга келтириш лозим. Жумладан, корпоратив бошқарув жорий этиладиган акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлар бўйича очик ҳолда эълон қилиниши, инвесторларга тақдим этилиши ва бу йўналишдаги мутахассислар тайёрланишини йўлга қўйиш ҳам бу йўналишдаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Қуйидаги графикда акциядорлик жамиятлари сони ва улар томонидан чиқарилган акциялар ҳажмининг ўзгариш динамикасини кўришимиз мумкин. Акциядорлик жамиятлари сони 2013 йилдан 2016 йилга келиб, 650 тага камайган. Шунга карамай акциялар эмиссияси умумий ҳажми 30 млрд. сўмга етган. Айниқса, 2016 йилнинг 9 ойлик натижаларига кўра ўсиш суръати юқори даражада эканлиги кўрсатилган.



— - акциядорлик жамиятлари сони — - акциялар эмиссияси умумий

2-расм. Республикада акциядорлик жамиятлари сони ва акциялар эмиссияси умумий ҳажмининг 2013-2016 йилларга динамикаси

Акциядорлик жамиятларининг инвестиция жозибадорлигини ошириш, уларнинг хорижлик ҳамкорлар учун шаффофлигини таъминлаш ва жалб этишда акциядорлик жамиятларининг йиллик молиявий ҳисоботларини миллий стандарт билан бирга халқаро стандартларга мувофиқ тайёрлаш инвесторларнинг асосий талабларидан биридир. Акциядорлик жамиятларининг асосий кўрсаткичлари, чоп этилиши шарт бўлган маълумот ва ахборотлар акциядорлик жамиятининг расмий веб-сайтида доимий тарзда бериб борилиши ва янгиланиб борилиши лозим. Бу жараён акциядорлик жамиятларининг матбуот ёки ахборот хизматлари томонидан амалга оширилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш лозимки, акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув тизимларининг жорий этилиши яқин келажакда Республикада иқтисодиётини янада ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва экспорт салоҳиятини янада ошириш, ички ва ташқи бозорнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига катта туртки вазифасини бажаради.

Бу йўналишдаги ишларни амалга оширишда юқорида келтириб ўтилган асосий масалаларни, жумладан корпоратив бошқарув соҳасида кадрларни халқаро талаблар бўйича тайёрлашни, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш, шаффофликни таъминлаш ва бошқа муҳим масалаларни тизимли равишда амалга ошириш орқали акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш ва унинг натижасида республикада олдида турган олий мақсадларга эришиш, халқ фаровонлигини таъминлаш ва иқтисодиёти ривожланган, илғор мамлакатлар қаторидан жой олишда катта ўринга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хамидулин М.Б. Финансовые механизмы корпоративного управления. Монография. – Т.: Молия, 2008. –204 с
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 фармони.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни, 2014 йил 6 май. www.lex.uz.
4. «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз». Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи, 14.12.2016, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги расмий сайти. www.uza.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг www.cbu.uz расмий сайти маълумотлари.
6. «Ахбор-рейтинг» агентлигининг 2006-2015 йиллар учун маълумотлар бюллетенлари.
7. Самариддин Элмирзаев. Корпоратив молия. Илмий ўқув-қўлланма – Тошкент, 2015.
8. <http://www.csm.gov.uz>
9. <http://www.cgc.uz>